

Амалий куникма № 2

Биохимиявий тахлиллар

1. Биохимиявий тахлил учун кон олиш тартиби:

- Кон олиш вакти билан охирги овкатланиш даври орасидаги вақт 8 соатдан кам бўлмаслиги керак.
- Кон олишдан олдин чой, кофе, соклар ичиш тавсия этилмайди.
- Кон одатда медиал ва латерал териости веналаридан олинади.
- Венапункцияда бемор утирган ёки ётган холда бўлади.
- Тирсак бугими максимал ёзилиши учун кул остига клёнкали ёстикча куйилади.
- Елканинг уртача 3/1 қисмига резинали жгут боғланади.
- Кон олинadиган кул қисми спиртли пахта билан перифериядан марказга қараб артилади ва бемордан муштини очиб, ёпиш буюрилади.
- Игнани вена йуналиши бўйлаб пункция қилинади.
- Канюлага кон келади ва унга шишали ёки пластикли пробирка бириктирилади, керакли кон микдори олинади.
- Жгут олиниб, бемор муштини ёзади.
- Венадан игна олиниб, пункция қилинган сохага спиртли пахта куйилади ва беморга кулни букиб туриши айтилади.

2. Коннинг биохимиявий тахлили курсаткичлари:

- Коннинг оксил ва унинг фракциялари
- Коннинг азотли оксилсиз компонентлари (мочевина, креатинин, сийдик кислотаси)
- Ферментлар
- Углеводлар
- Коннинг липид фракциялари
- Неорганик моддалар

3. Кислота-асос ҳолатининг асосий курсаткичлари:

- Кон рН
- pCO_2 -конда CO_2 парциал босими
- Буфер асослари
- Стандарт бикарбонат (SB)
- Избыток оснований (BE)

4. Конда умумий оксил микдорини аниқлашга курсатма:

- Уткир ва сурункали инфекциялар
- Коллагенозлар
- Жигар ва бўйрак патологияси

- Онкологик касалликлар
- Овкатланишнинг бузилиши
- Термик куйишлар

5. Конда мочевина микдори узгариш интерпритацияси:

А. Мочевина микдорининг ошиши:

- Уткир ва сурункали буйрак етишмовчилиги
- Сийдик йуллари, сийдик пуфаги, простата беи усмалари
- Юрак етишмовчилиги
- Сувсизланиш
- Катаболизмнинг ошиши (оч колиш, кахексия, куйиш, жарохатлар, ошкозон-ичак трактидан кон кетиш)

Б. Мочевина микдорининг камайиши:

- Жигар касалликлари (жигар циррози, сурункали актив гепатит)

6. Инсулин гормонининг функцияси

- Глюкозани хужайраларга киришини активлайди.
- Глюкозани трикарбон кислота циклида энергия хосил килишидаги иштирокини тезлаштиради.
- Жигарда ва мушак тукималарида гликоген синтезини тезлаштиради.
- Ёг кислоталар ва аминокислоталар синтезини тезлаштиради.
- Липолизни тормозлайди.
- Гликогенолизни тормозлайди.
- Глюконеогенезни (аминокислоталар ва ёг кислоталардан глюкоза хосил булиши) тормозлайди.

7. Клиник ахамиятга эга булган липидлар гурухи:

- Ёг кислоталари (арахидон, олеин, линолен)
- Глицерин сакловчи липидлар (моно-, ди-, триглицерид)
- Фосфолипидлар (лецитин)
- Стероидлар (холестерин, ут пигменти, прогестерон, кортикостерон, кортизол, тестостерон, эстрадиол)
- Липопротеидлар (хиломикрон, ЗЖПЛП, ЖПЛП, ЖЮЛП)

8. АЛТни текширишга курсатма:

- Жигар касалликлари диагностика ва дифференциал диагностикаси
- Донорларни текшириш
- Вирусли гепатит билан контактда булганларни текшириш
- Юрак касалликлари
- Скелет мушаклари патологияси.

9. АЛТ микдори узгариши интерпритацияси:

А. АЛТ микдорининг ошиши:

- Турли этиологияли жигар хужайралари некрози (вирусли гепатит, жигарнинг токсик зарарланиши).
- Юрак етишмовчилиги
- Скелет мушакларининг куп микдордаги некрози ва травмалар
- Жигар циррози
- Холестатик ва механик сариклик
- Жигар раки
- Миокард инфаркти
- Миокардит
- Миозит
- Миодистрофия
- Ёгли гепатоз
- Сурункали алкоголизм
- Уткир панкреатит
- Гепатотоксик препаратлар билан даволаганда;

Б. АЛТ микдорининг камайиши:

- Жигарнинг огир даражадаги зарарланиши (тотал некроз, цирроз)
- Витамин В₆ танкислигида;

10. Конда АСТ микдори узгариш интерпритацияси:

А. АСТ микдорининг ошиши:

- Миокард инфаркти
- Уткир ревмокардит
- Уткир артерияси тромбози
- Турли этиологияли гепатитлар
- Стенокардия хуружи
- Холестаз
- Скелет мушаклари травмалари
- Миопатия
- Уткир панкреатит ва жигар раки;

Б. АСТ микдорининг камайиши:

- Жигарнинг огир даражадаги зарарланиши
- Витамин В₆ танкислиги;